



**Гулшан АСИЛОВА**  
доцент, педагогика фанлари номзоди  
Олий харбий божхона институти

## **БОЖХОНА ВА СОЛИҚ ТИЗИМЛАРИДА ҚҮЛЛАНАДИГАН ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ ТИЛИДА ДИСТАНЦИОН РАСМИЙЛАШТИРИШГА ЎРГАТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мақолада иккинчи тилни масофавий таълим воситасида ўргатишнинг умумидидактик тамойиллари, муаммолари ва хусусиятлари тадқиқ этилган. Божхона ва солик соҳаларида қўлланадиган ҳужжатларни давлат тилида расмийлаштиришнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан масофавий таълим ёрдамида бўлажак мутахассисларда касбий малакаларни шакллантириш усуллари кўрсатиб ўтилган.

В статье исследуются общедидактические принципы, проблемы и особенности дистанционного обучения второму языку. Анализируется состояние оформления на государственном языке документов, применяемых в сфере таможенного и налогового дела. Автором предложены методы формирования профессиональной компетенции у будущих специалистов с помощью дистанционного обучения.

The article analyses the general didactic principles, problems and peculiarities of distance learning a second language. Analyses the condition of registration of documents in the state language used in the sphere of customs and tax matters. The author offers methods of formation of professional competence of future specialists through distance learning.

**Калит сўзлар:** иккинчи тил, масофавий таълим, ахборот-таълим технологиялари, божхона ва солик иши, тил компетенцияси.

**Ключевые слова:** второй язык, дистанционное обучение, информационно-образовательные технологии, таможенное и налоговое дело, языковая компетенция.

**Key words:** second language, distance learning, Information learning technologies, customs and tax matters, language competence.

Бугунги кунда таълим мухитини такомиллаштиришга асосланган ахборотлаштириш жараёни олий таълимнинг истиқболли йўналишларидан бирига

айланди. Уни амалга ошириш учун таълим жараёнида замонавий таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу, энг аввало, ҳар бир инсонга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, қулай вақтда ва ўзининг иш жойида билим даражасини ошириш имконини берувчи масофавий (дистанцион) таълимни ривожлантириш билан боғлиқ.

Ахборот технологиялари ёрдамида ўқитиши, жумладан, масофавий таълим тизими ва Интернет томонидан берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш таълим келажагининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Масофавий таълим деганда ўқув жараёнида ўқитувчи ва талабанинг бир-биридан айро ҳолда муайян масофа ёки вақт мобайнида белгиланган мақсад асосида бевосита ёки билвосита ўзаро ҳамкорлиги тушунилади. Бу ҳамкорлик ахборот технологиялари асосида, авваламбор, телекоммуникация ва телевидение воситаларини қўллаган ҳолда амалга оширилади. Таълимнинг масофавий шаклларини жорий этиш, ундаги технологик воситалар ва ахборот-таълим технологиялари нафақат тобора ортиб бораётган билимлар ҳажмини ўзгартириш, балки таълим жараёнини ва ўз-ўзини баҳолаш, шахснинг мустақил таълим олиш фаоллигини оширишга имкон беради.

Таълимнинг ривожлантирувчи тамойилига эътибор қаратиш бугунги кунда мустақил танқидий ва ижодий фикрлашга ўргатиш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун ўқитилаётган фаннинг фаолият доираси кенг, ахборот манбалари кўп, унда бир муаммога турлича қарашлар мавжуд бўлиши керакки, улар талабани мустақил фикрлашга, ўзининг нуқтаи назарига эга бўлишга ундейди. Ўқитишининг масофавий шаклларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш ўзида психология, педагогика, фалсафа, информатика каби турли соҳалардаги билимларни мужассам этади, мазкур интеграциянинг таркибида эса психологик-педагогик қисм етакчи ҳисобланади. Таълимни ўқитишининг масофавий шаклларини кенг қўллаган ҳолда ахборотлаштириш зарурияти амалдаги тажриба ва назарий ишланмаларни ҳар томонлама ўрганиш жараёнини фаоллаштиради.

Талабаларнинг мустақил ишига асосланган ўқитишининг онглилик ва фаоллик тамойили масофавий таълим технологиясида муҳим роль ўйнайди. Масофавий таълимда ўқув курси мустақил ўрганиш учун мўлжалланган, шунинг учун ўқув жараёнининг тартиби талабанинг ўқув материали билан мустақил ишлашига раҳбарлик қилиш ва уни ташкил этишга қаратилади. Аудитория машғулотларига эса ёрдамчи роль ажратилади.

Америкалик педагог Ф.С. Шлехтининг фикрига кўра, олий ўқув юртининг асосий курсини муваффақиятли ўзлаштирадиган, лекин ахборот билан мустақил

тарзда ишламайдиган, мустақил билим олмайдиган талабалар XXI асрнинг ахборот жамиятида муваффақиятга эриша олмайдилар(5). Ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида талабалар томонидан билимларнинг ўзлаштирилиши анъанавий технологияларга нисбатан камида 40-60%га тезроқ ёки қўпроқ ҳажмда амалга оширилаётганлиги дунёда масофавий таълим нима учун бу қадар оммалашиб кетаётганини изоҳлайди.

Дистанцион таълим муаммоларига бағишланган бир қанча тадқиқотларда мазкур тизимнинг умумидидактик тамойиллари, шунингдек дистанцион таълимни ташкил қилиш учун таянч бўлган интеллектуал фаолият, дастурли, модулли ва муаммоли-ҳаракатли таълимнинг босқичма-босқич шаклланишига оид алоҳида ғоялар акс эттирилган(1; 2; 3; 4).

Бироқ масофавий таълимда таълим жараёни субъектларининг ўзаро алоқаси масалалари етарлича тадқиқ қилинмаганлиги амалиётда бир қанча муаммоларни вужудга келтирмоқда. Шу тариқа, дистанцион таълим ривожланишида ҳозирча асосий эътибор мазкур тизимнинг воситаларига қаратилиб, таълим жараёнининг субъектига муносабат бирмунча мавҳумлигича қолмоқда.

Масофавий таълимда узлуксиз таълимнинг компонентлари бўлган таълим жараёнининг субъектлари ўртасидаги педагогик алоқани ўрнатиш борасидаги объектив қонуниятлар ҳозирги кунгача ишлаб чиқилмаган. Бу муаммо айниқса божхона ва солиқ тизимлари учун мутахассисларни тайёрлашда долзарб ҳисобланади. Дистанцион таълим услубларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқишида божхона ва солиқ идоралари учун мутахассислар тайёрлашнинг хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим. Булар қўйидагилар:

- божхона постларининг бир-биридан узоқда жойлашганлиги, божхона ва солиқ ходимларининг иш жойлари таълим марказларидан йироқда эканлиги;
- божхона ва солиқ тизимлари мутахассисларининг касбий тайёргарлиги сифатига қўйилаётган юқори талабларга жавоб бериш учун уларнинг бевосита хизмат вазифаларини ўташни муайян вақтга тўхтатиб туришлари зарурлиги;
- таълим олаётган ходимларнинг билим даражаси турлича эканлиги;
- меъёрий ҳужжатлар, қонунчиликнинг доимий равишда янгиланиб бориши туфайли касбий соҳадаги маҳсус билимлар долзарблигининг пасайиши, ёки уларнинг тез “эскириши”;
- шаклланган амалий тажрибани, шунингдек божхона ва солиқ хизматларида янги усул ва технологияларни қўллаш ҳамда умумлаштиришнинг зарурлиги.

Божхона ва солиқ тизимларида мутахассисларни тайёрлаш жараёни таълим олаётганларнинг интилиши (мотивацияси) юқорилиги билан ажralиб туради, бу, жумладан, тизимда иш ўринларининг чекланганлиги, божхона йўналишидаги олий таълим муассасасида ўқитиш бутунлай давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши билан изоҳланади.

Бугунги кунда таълим жараёнини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишда замонавий ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти катта: Интернет ва Интранет, электрон кутубхона, ўқитиш сервери, тармоқ тестлари, телеконференциялар, тармоқ алоқа воситалари ва мультимедиа технологиялари, ижтимоий хизматлар касб таълимида зарур ўкув ахборотига йўл очиб бермоқда. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) ва [www.customs.uz](http://www.customs.uz) сайтларида тақдим этилаётган электрон хужжатлар намуналари, тизимга оид маълумотлар, электрон декларацияларни тўлдириш интерактив хизматлари шулар жумласидандир. Бироқ, шуни айтиб ўтиш керакки, солиқ органлари томонидан барча маълумотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этилган бўлса, божхона органлари томонидан фақат рус тилида берилиб, хужжатларнинг давлат тилидаги намуналари ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Булар қаторига яна божхона иши соҳасидаги аксарият хужжатлар, ахборот тизимлари, қабул қилинган йўриқномаларни (Божхона юк декларацияси (БЮД), Божхона қиймати декларацияси (БҚД), Юкни етказиб бериш назорат китобчаси ва бошқалар) қўшиш мумкин. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун, айниқса, божхона тизимида давлат тилини дистанцион ўқитишни ташкил қилиш зарур.

Мазкур соҳалар ходимлари ўзларининг касб фаолиятларида, бошқа давлат идоралари хизматларидан фарқли ўлароқ, мунтазам равища ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлар билан боғлиқ янгиликлардан хабардор бўлиб борадилар (электрон декларацияларни тўлдириш, юкларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишдаги юқори технологик ускуналар ва бошқалар). Демак, ходимларнинг касбий тайёргарлигида дистанцион таълимдан фойдаланиш нафақат махсус билимларни эгаллашга, шунингдек, ҳар бир таълим олувчига ўзининг ахборот технологиялари билан ишлаш борасидаги мавжуд малака ҳамда қўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш имконини беради.

Шу муносабат билан бугунги кунда божхона ва солиқ йўналишларида таълимнинг масофавий шакли асосида педагогик ўзаро алоқа моделини ишлаб чиқиш, ахборот технологияларининг кенг қўлланиши шароитида ўқитишнинг психологик-педагогик муаммоларини тадқиқ қилиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган жиҳатлар мазкур соҳани чукур ўрганишнинг зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Бунда айниқса қуидаги ҳолатларга диққатни қаратмоқ зарур:

- дистанцион таълимнинг техник имкониятлари кундан-кунга кенгайиб бормоқда, аммо бу имкониятлар дидактик материал билан етарли даражада таъминланмаган;
- асосий эътибор ташкилий-техник хусусиятларга қаратилмоқда, лекин масофавий таълимнинг психологик-педагогик қисми “оқсамоқда”;
- масофавий таълимни амалга оширишда таълим жараёни субъектларининг ўзаро алоқасини жонлантириш ва кучайтиришга имкон берадиган воситалар мавжуд, бироқ ушбу педагогик алоқа назарий ва услубий жиҳатдан етарлича таъминланмаган.

Таълимнинг масофавий шакли педагогик ўзаро алоқанинг масофа ва вақтдаги синхронизацияси таъсирини мумкин қадар камайтириш имконини беради, бу эса ўз навбатида ўқитишнинг интенсивлигига акс этади, яъни ўқитувчининг талабага тўғридан-тўғри таъсир ўтказишига йўл қўйилмайди. Бу ҳолатда ўқитувчи таълим муҳитини факат лойихалаштиради ва талаба учун таълим ҳамкорлигининг самарали технологияларини танлайди, демак, ўкув материалини талабага етказиш механизмининг бир қисмига айланиб қолмайди. Буларнинг ҳаммаси божхона ва солиқ соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш сифатига ижобий таъсир ўтказиши мумкин.

Ушбу олий таълим муассасалари ўкув дастурларининг таҳлили ўкув фанларининг бир қисми масофавий таълим технологиялари ёрдамида ўқитилиши мумкинлигини кўрсатади. Баъзилари эса, хусусан, давлат тили таълими масофавий ва кундузги таълим уйғунлигини талаб қиласди. Бунда биринчи ҳолатда ҳам, иккинчи ҳолатда ҳам талаба ушбу фан бўйича барча зарур малака ва кўнилмаларни эгаллайди, бироқ таълим олишга сарфланадиган вақт кескин қисқаради, бу эса ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда таълим олиш ҳисобига молиявий ва жисмоний ресурсларни тежашга кўмаклашади. Шу боис бўлажак мутахассисларнинг касбий малакаларини шакллантиришда уларда давлат тилида оғзаки мулоқот юрита олиш, ахборот ҳамда маълумотларни тўғри тушуниш ва тезкор таҳлил қилиш, ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш малакаларини шакллантириш ниҳоятда муҳим амалий аҳамиятга эга. Бу борада тўғри йўлга қўйилган масофавий таълим ўқитишнинг энг самарали усулларидан бирига айланади.

Мультимедиа воситалари ва уларнинг имкониятлари (матнни, овозли ва графикали маълумотни қайта ишлаш), қисман ёки айрим ҳолларда тўлиқ дистанцион таълимга ўтиш тилни ўрганиш сифатини кўтаришга имкон беради. Бу борада хизмат хатларининг турли жанрларини тузишга ўргатувчи масофавий машғулот моделлари, ёзма нутқни ривожлантириш бўйича электрон қўлланмалар ишлаб чиқиш ва уларда таянч ҳамда стандарт конструкцияларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Расмий ёзма нутқни ўзлаштиришга оид ўқув-методик материаллар ва улар асосида тузилган компьютер дастурлари талабаларнинг тил компетенциясини шакллантиришга кўмаклашади.

Кундалик амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, божхона ва солиқ тизимлари фаолиятининг самараси бугун ушбу соҳаларда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий малакаси замонавий воқеликнинг талабларига қай даражада жавоб беришига боғлиқ. Шахснинг касбий фаолият соҳасидаги дунёқарashi, мулоҳазалари, эътиқоди ва ўз мавқеини тегишли малака ва кўнималар йиғиндисига эга бўлган мутахассис сифатида белгилаб олиши айниқса муҳимdir. Пировард натижада масофавий таълим тизими божхона ва солиқ тизимлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг сифатини оширишга хизмат қиласди.

Шу тариқа, янги таълим парадигмаси мазмунига мувофиқ, касб таълимининг асосий мақсади ўқитишни ахборот берувчи даражадан шахснинг профессионал шаклланишини бошқарувчи даражага кўтаришдан иборатdir. Бу жараёнда асосий ролни ахборот технологиялари бажаради. Улар таълим тизимини замонавий жамият талабларига жавоб берадиган, сифат жиҳатидан юқори даражага олиб чиқишининг етакчи воситалари бўлиб хизмат қиласди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Аксенов Ю. В. Дистанционное обучение: учебное пособие. — М.: Владос, 1998.
2. Андреев А. А. Введение в дистанционное обучение: учебно-мет.пособие. — М., 1997.
3. Домрачев В. Г. Дистанционное обучение: возможности и перспективы//Высшее образование в России. 1994. — №3.
4. Лобачев С. Л. Дистанционные образовательные технологии: информационный аспект. — М.: МЭСИ, 1998.
5. Полат Е. С. Жизнь как постоянное учение//Элитариум 2.0.: переосмысление дистанционного образования. — М., 2006.